## VI. Ишларни бажариш муддатлари

6.1. Шартнома миллий валюта «сўмда» узаро хисоб-китоб қилинганда – томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

6.2.Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.3.Қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **150 кунни** ташкил этади ва объект **«30» апрел 2023 йилда** фойдаланишга топширилади.

6.4. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII.Тўловлар ва хисоб-китоблар.

7.1. Буюртмачи Пудратчига объектга маблағлар ажратилганидан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг **30 фоизи** миқдорида, икки ойга тенг улушларга бўлган холда аванс ўтказади, бу **78 900 000** сўмни ташкил этади.

7.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун маблағлар ажратилганидан сўнг ойлик бажарилган ишлар хисоб фактуралари (Ф-3) хамда молиялаштириш ва ишларни бажариш далолатномалари асос хисобланади.

7.3. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолинган холда, ойма-ой бажарилган ишлар учун объект умумий шартномавий жорий қийматининг **95 фоизи яъни 249 850 000 сумгача** доирасида амалга оширилади.

7.4. Объект шартномавий жорий қийматининг 10 % қурилиш тугалланган объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан сўнг; кафолатли муддат тамом булгандан кейин молия йили тугамасдан амалга оширилади.

7.5. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.6. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажаришни бошламаган тақдирда, Пудратчи бу хақда қонун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган холда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. Ишларни бажариш

8.1. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш хуқуқига эгадир.

8.4.Пудратчи техник аудиторни ишлаши учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни хал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.5. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.6. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.7. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

8.8. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш тўғрисида топшириқ беради.

8.9. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлатстандартларига, техник шартларига мувофиқ бўлишини хамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.10. Алохида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Даврхитекткурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.11. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш длолатномалари хамда уларнинг «Даврхитекткурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.12. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.13. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз хисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса ва уларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

8.14. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда ўз хисобидан қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузатаолмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

8.15. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради, озодасақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

8.16. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчиишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган холлар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб бермаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни уч кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. Ишларни қўриклаш.

9.1. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

## X. Енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) холатлари

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай мажбуриятларни қисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга хақлидир.

## XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

11.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

11.2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб **15 кун** мобайнида қабул қилиб олинади.

11.3. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.4. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади фойдаланувчига **1 ой муддат ичида** топширилиши шарт.

## XII.Кафолатлар

12.1. Пудратчи:

- барча ишлар тўлик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиха хужжатларига хамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажарилишини таъминлаши лозим;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофиқлигини;-ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.2. Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида**1 (бир) йил** этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш хуқуқига эга.

12.4. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Даврхитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисод судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XIII. Шартномани бекор қилиш

13.1. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда хамда қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилишга хақли.

13.2. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хуқуқига эга.

13.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачининг қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда танлов асосида бошқа Пудратчига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини дастлабки Пудратчига тўлайди.

13.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

## XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, объект хисоб рақамига маблағлар берилгандан сўнг ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун

Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг **0,2 фоизи** микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг **20 фоизидан** ошмаслиги лозим.

14.3. Шартномага мувофик бажарилган ишлар хажмини тасдиклашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиклашни рад этган ёки бош тортган сумманинг **5 фоизи** микдорида жарима тўлайди.

14.4. Пудратчи объектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг **0,5 фоизи** микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект мажбуриятлар бажарилмаган кисмининг **50 фоизидан** ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг **0,5** фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг **50** фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод килмайди.

Пудратчи томонидан у билан тузилган пудрат шартномаси юзасидан Буюртмачига 100 фоиз ишлар бажарилганлиги хакида хисоботларни такдим этмагунга кадар, объектни фойдаланишга кабул килиш тўгрисидаги далолатнома тузилганлиги, ушбу объект бўйича курилиш монтаж ишларини тугатилганлигини англатмайди. Тарафлар бундай холларда ушбу шартноманинг 14-бўлим, 14.2, 14.3, 14.4 – бандларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин бўлади.

14.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик бўлмаса, у холда Буюртмачи «Даврхитекткурилишназорат» инспекциясининг хулосаси асосида объектни кабул килиш ва унинг учун хак тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг **20 фоизи микдорида жарима** ундириш хукукига эга.

14.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўкотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни коплайди.

14.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

## XV. Низоларни хал килиш

15.1. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро келишув йўли билан хал этадилар. Агар келишувга эриша олишмаса, ушбу низо конун хужжатларида белгиланган тартибда Тошкент вилоят Иктисод суди томонидан кўриб чикилади.

## XVI. Алохида шартлар

16.1. Мазкур шартнома тарафлар томонидан имзолангач, Тошкент вилоят Ғазначилик бошкармасидан рўйхатдан ўтказилгандан эътиборан конуний кучга киради. Мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

16.2. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алохида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартиш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаб, мухр билан тасдиклаган бўлса хакикий хисобланади.

16.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар кандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиклаши керак.

16.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишларни якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тўлашни кечиктиришга хаклидир.

16.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кулланилади.

16.7 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булган 2 нусхада тузилди ва 2023-йил 30-апрелга кадар амалда булади.

**Томонларнинг банк реквизитлариваюридикманзиллари:**

**Буюртмачи:**
**"Кишлок курилиш инвест" МЧЖ ИК Тошкент вилояти филиали**
**Манзили: Тошкент ш. Бунёдкор кучаси 100 уй**
**Тел. 216-66-32 Факс: 216-66-32**

**Х/Р** 30452186027401704520518413
**Тошкентвилоятигазначиликбошкармаси**
**ГазначиликбулинмасинингСТИРи: 201 122 919**
**ЯГХ: 23 402 000 300 100 001 010**
**МФО: 01037**
**АТБ "Кишлок курилиш банк" Тошкент шахар Бош Амалиётлар бошкармаси**
**ТашкилотнингСТИР:301291517 ОКОНХ 61133**

**в.в.б.Директор** ______________ **Ж.Хамракулов**
М.У.

**«Кишлок курилиш инвест» МЧЖ ИК Тошкент вилояти филиали хукукшуноси** ______________

**Пудратчи**
**«Шахрузбек Халимжон курилиш » МЧЖ**

**Манзил: Уртачирчик тумани тошкент йули 52-уй**
**Тел: +998 93 622 96 02**

**Р/С:2020 8000 9048 8180 6001**
**Банк: АТБ "Кишлок курилишбанк" Тошкент шахар Бош амалиётлар бошкармаси**
**ИНН:301796504 МФО:01037**

М.У. **Рахбари** ______________ **Ф.Салимов**

## ОБЬЕКТНИНГ МОЛИЯЛАШТИРИШ ГРАФИГИ

Уртачирчик тумани Уйгур МФЙ худудларида Тадбиркорлик субьектлари томонидан курилаётган уй жойларни кириш ва ички йуллар курилиши

| Наименование объекта | Стоимость по протоколу тендера | Выделоно лимит 2022 год | 2022 год | Гарантийная сумма 5% на 2023 г |
|---|---|---|---|---|
| | | | декабр | |
| Уртачирчик тумани Уйгур МФЙ худудларида Тадбиркорлик субьектлари томонидан курилаётган уй жойларни кириш ва ички йуллар курилиши | 263 000 000 | 249 850 000 | 249 850 000 | 13 150 000 |

Заказчик:____________

Подрядчик:____________

**ГРАФИК ПРОИЗВОДСТВО РАБОТ ПО ОБЪЕКТУ**

Уртачирчик тумани Уйгур МФЙ худудларида Тадбиркорлик субьектлари томонидан курилаётган уй жойларни кириш ва ички йуллар курилиши

| Наименование объекта | Ед.изм. | Физ.обьем (км) | Стоимость работ по тендеру (сумма) | 2022 г |
|---|---|---|---|---|
| | | | | декабр |
| Уртачирчик тумани Уйгур МФЙ худудларида Тадбиркорлик субьектлари томонидан курилаётган уй жойларни кириш ва ички йуллар курилиши | км | 0,249 | 263 000 000 | 263 000 000 |

Заказчик:__________

Подрядчик:__________

"Утверждено"
директор Ташкентской областной филиал
ИК ООО "Кишлок Курилиш Инвест"
_____________ Ж.Хамракулов
"___" _____________ 2022г.

# Титульный список стройки

| | | |
|---|---|---|
| Раздел I. Основные данные по стройке | Уртачирчик тумани Уйгур МФЙ худудларида Тадбиркорлик субьектлари томонидан курилаётган уй жойларни кириш ва ичкийуллар курилиши | |
| 1. Наименование местонахождения стройки | | |
| 2. Отрасль | Автодороги | |
| 3.Инвестор | | |
| 4.Заказчик | Ташкентский областной филиал ИК ООО «Кишлок Курилиш Инвест» | |
| 5. Разработчики | ООО"Қишлок қурилиш Лойиха" | |
| 5.1 ТЭО | | |
| 5.2 ПСД или Т.Д. | ПСД | |
| 5.3 Экспертиза | Шахарсозлик Экспертизаси №50/09 сонли 30.09.2021 йил | |
| 6. Генеральный подрядчик | ООО "Шахрузбек Халимжон курилиш" | |
| 7.Источник финансирования | Республиканский Бюджет | |
| 8.Срок начала и окончания строительства | 2022-2023 гг. | |
| 9. Основные показатели стройки | по ПСД | Остаток на 01.22 г. |
| Мощность (в соответсв.единицах измерения) | | |
| Основные фонды | | |
| Капитальные вложения | | |
| Строительно-монтажные работы | | |
| Оборудование,инвентарь | | |
| Прочие работы и услуги | | |
| Содержание службы заказчика | | |
| | | |
| **Прогноз на 2022 г.в соответствии с согласованным с ММЭС и МФ адресным списком** | | **в договорных ценах (тыс.сум)** |
| Мощность (в соответсв.единицах измерения) | | 0,249 км |
| Основные фонды | | 0 |
| Капитальные вложения | | 263 000 000 |
| Строительно-монтажные работы | | 263 000 000 |
| Оборудование,инвентарь | | 0,000 |
| Прочие работы и услуги | | 0,000 |
| Содержание службы заказчика | | 0,000 |

| **Раздел II.Поквартальная разбивка прогноза на 2022 г.** | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Всего на | в том числе по кварталам : | | | |
| | год | I | II | III | IV |
| Ввод мощности | 0,249 км | | | | 0,249 км |
| Основные фонды | 0 | | | | 0,000 |
| Капитальные вложения | 263 000 000 | | | | 263 000 000 |
| Строительно-монтажные работы | 263 000 000 | | | | 263 000 000 |
| Оборудование,инвентарь | 0 | | | | 0,000 |
| Прочие работы и услуги | 0,000 | | | | 0,000 |
| Содержание службы заказчика | 0,000 | | | | 0,000 |

ЗАКАЗЧИК: _____________

ПОДРЯДЧИК: _____________

"Тасдиқлайман"
"Қишлоқ Қурилиш Инвест" ИК МЧЖ Бош директори
"___" ________ 2022 й.

"Тасдиқлайман"
Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари
Махмудов Ш.Н
"___" ________ 2022 й.

"Қишлоқ Қурилиш Инвест" ИК МЧЖ Тошкент вилояти худудий филиали буюртмачилигида томонидан қурилаётган уй-жойларнинг кириш ва ички йўллар қурилиши Тошкент вилоятида 2016-2021 йилларда бюджет маблағлари хисобидан қуриладиган намунавий уй- жойлар ички ва кириш йўлларининг 2022-йил

## МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТИ

млн. сўм

| Т/Р | Объектлар номи ва манзили | Қурилиш ишларининг бошланиши ва тугалланиш йили | Лойиҳавий қуввати, тегишли ўлчов бирликларида (км/пм) | Таъмирлаш ишларининг пудрат шартномаси тузилган вақтдаги умумий қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари | 01.01.2022 йил холатигатаъмирлаш ишларининг қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари | 01.01.2022 йил холатига обектнинг таъмирлаш ишлари қайта хисоблашдан кейинги қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари | 01.01.2022 йил холатига объектнинг таъмирлаш ишлари қайта хисоблашдан кейинги молиялаштириш қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари | 2022 йил режаси: Жами маблағлар лимити | 2022 йил режаси: Шу жумладан: КМИ | Буюртмачининг бошқа харажатлари: Жами | Буюртмачининг бошқа харажатлари: Шундан буюртмачининг сақлаш харажатлари | 2022 йилда ишга туширилиши: Қуввати ва муддати | 2022 йилда ишга туширилиши: Асосий фондлар | Обектнинг келгуси йилга ўтказиладиган 01.01.2023 йилга қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари | Обектнинг келгуси йилга ўтказиладиган 01.01.2023 йилга молиялаштириш қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари | Лойиҳа экспертиза санаси ва рақами | Тендер савдолари баённомаси тасдиқланган сана ва рақам | Пудрат қурилиш ташкилотлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 |
| | Тошкент вилояти бўйича жами: | | 20,3 | 4 739 688,8<br>103 621,3 | 4 837 499,9<br>103 621,3 | 4 837 499,9<br>103 621,3 | 4 837 499,9<br>103 621,3 | 6 466 253,0 | 4 630 373,8 | 673 549,7 | 164 064,7 | 20,3<br>IV-чорак | 4 739 688,8 | 236 693,9 | 265 179,1 | | | |
| | *Шундан* | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | Тақсимланмаган лимит | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | **Узбекистон Республикаси Президентининг ПК-2639 сонли қарори** | | | | | | | 1 015 113,8 | | | | | | | | | | |
| 1 | Зангиота тумани "Қизғалдоқ" КФЙ, "Охунбобоев агро файз" массиви ички йўлларини қуриш | 2019-2021 й | 0,294 | | | | | 7 591,3 | 7 591,3 | | | 0,3<br>ноябр | 0,0 | | | № 266/1п-2017 09.06.2017 й<br>№ 86-06-17 27.06.2017 й | 07.04.2017 й<br>№01-05/1-766 | Зангиота ТЙФУК |
| 2 | Зангиота тумани Кўктерак КФЙ, Кўктерак массиви ички йўлларини қуриш | 2017-2021 й | 2,672 | | | | | 75 727,3 | 75 727,3 | | | 2,7<br>ноябр | 0,0 | | | № 27/1п-2017 21.07.2017 й<br>№91/07-17 24.07.2017 й | 07.04.2017 й<br>№01-05/1-766 | Зангиота ТЙФУК |
| 3 | Зангиота тумани Юнусобод КФЙ Дархон массиви ички йўлларини қуриш | 2017-2021 й | 1,643 | | | | | 50 159,0 | 50 159,0 | | | 1,6<br>ноябр | 0,0 | | | № 28/1п-2017 21.07.2017 й<br>№93/07-17 24.07.2017 й | 07.04.2017 й<br>№01-05/1-766 | Зангиота ТЙФУК |
| 4 | Строительство внутреннего автодороги в МСГ Эркин, массив Эркин Зангиотинского района | 2019-2021 й | 0,434 | | | | | 24 304,4 | 24 304,4 | | | 0,4<br>ноябр | 0,0 | | | №18/06-18-1 22.06.2018 й | 10.07.2018<br>№ 17/8 | Зангиота ТЙФУК |
| 5 | Зангиота тумани Эркин КФЙ Тариқтешар массиви ички йўлларини қуриш | 2019-2020г. | 0,388 | | | | | 28 465,8 | 28 465,8 | | | 0,2<br>ноябр | 0,0 | | | № 29/1п-2017 21.07.2017 й | 07.04.2017 й<br>№01-05/1-766 | Зангиота ТЙФУК |
| | **ЖАМИ:** | | 5,431 | | | | | **186 247,8** | **186 247,8** | | | **0,2**<br>ноябр | **0,0** | | | | | |
| | **Ўзб Рес Администрациясинг 30.09.2021 йилдаги №02-РА 1-15715 сонли баёни** | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Строительство подъездных и внутри массивных автодорог массиве Ифтихор Чирчикского города Ташкентской области | 2022-2023йй | 1,563 | 2 681 193,5<br>60 288,3 | 2 681 193,5<br>60 288,3 | 2 681 193,5<br>60 288,3 | 2 681 193,5<br>60 288,3 | 2 550 148,2 | 2 489 860,0 | 60 288,3 | | 1,563<br>ноябр | 2 681 193,5 | 131 045,3 | 131 045,3 | №57431 сонли 18.08.2022 йилдаги | Ўзб Рес Администрациясининг 30.09.2021 йилдаги №02-РА 1-15715 сонли баёни (№9/35 сонли 19.08.2022- | "Асс решна бизнес" МЧЖ |
| | Жами | | 1,563 | **2 681 193,5**<br>**60 288,3** | **2 681 193,5**<br>**60 288,3** | **2 681 193,5**<br>**60 288,3** | **2 681 193,5**<br>**60 288,3** | 2 550 148,2 | 2 489 860,0 | 60 288,3 | | 1,563<br>ноябр | 2 681 193,5 | 131 045,3 | 131 045,3 | | | |
| | **Тадбиркорлик субъектлари томонидан қурилаётган уй-жойларни ички ва кириш** | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 7 | Бекобод тумани Янгибозор МФЙ худудидаги уй-жойларни ички ва кириш йўллар қурилиши | 2022-2023йй | 0,092 | 127 933,7<br>2 509,0 | 127 933,7<br>2 509,0 | 127 933,7<br>2 509,0 | 127 933,7<br>2 509,0 | 121 662,5 | 119 153,5 | 2 509,0 | 1 380,0 | 0,092<br>ноябр | 127 933,7 | 6 271,2 | 6 271,2 | №46/09 сонли 30.09.2021 йил | - | Тендер савдолари оркали аникланади |

минг. сўм

| Т/Р | Объектлар номи ва манзили | Қурилиш ишларининг бошланиши ва тугалланиш йили | Лойиҳавий қуввати, тегишли ўлчов бирликларида (км/пм) | Таъмирлаш ишларининг пудрат шартномаси тузилган вақтдаги умумий қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари | 01.01.2022 йил холатигатаъмирлаш ишларининг қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари | 01.01.2022 йил ҳолатига обектнинг таъмирлаш ишлари қайта ҳисоблашдан кейинги қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари | 01.01.2022 йил ҳолатига объектнинг таъмирлаш ишлари қайта ҳисоблашдан кейинги молиялаштириш қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари | 2022 йил режаси: Жами маблағлар лимити | 2022 йил режаси: Шу жумладан: КМИ | 2022 йил режаси: Шу жумладан: Буюртмачининг бошқа харажатлари: Жами | 2022 йил режаси: Шу жумладан: Буюртмачининг бошқа харажатлари: Шундан буюртмачининг сақлаш харажатлари | 2022 йилда ишга туширилиши: Қуввати ва муддати | 2022 йилда ишга туширилиши: Асосий фондлар | Обектнинг келгуси йилга ўтказиладиган 01.01.2023 йилга қолдиқ қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари | Обектнинг келгуси йилга ўтказиладиган 01.01.2023 йилга молиялаштириш қиймати, шу жумладан буюртмачининг бошқа харажатлари | Лойиҳа экспертиза санаси ва рақами | Тендер савдолари баённомаси тасдиқланган сана ва рақам | Пудрат қурилиш ташкилотлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 8 | Уртачирчик тумани Уйгур МФЙ худудидаги уй-жойларникириш ва ички йўллар қурилиши | 2022-2023 йй | 0,8 | | | | | 31 579,8 | | 25 389,8 | 6 190,0 | | | | | №15/11 сонли 30.09.2021 йил | | Тендер савдолари оркали аникланади |
| 9 | Паркент тумани Кургонтепа МФЙ худудидаги уй-жойларни кириш ва ички йўллар қурилиши | 2022-2023 йй | 0,5 | | | | | 35 683,5 | | 28 537,8 | 7 145,7 | | | | | №11/11 сонли 30.09.2021 йил | | Тендер савдолари оркали аникланади |
| 10 | Пискент тумани Гайрат МФЙ худудидаги уй-жойларни кириш ва ички йўллар қурилиши | 2022-2023 йй | 0,8 | | | | | 76 589,1 | | 59 917,2 | 16 671,9 | | | | | №2/13 сонли 30.09.2021 йил | | Тендер савдолари оркали аникланади |
| 11 | Зангиота тумани Туркистон МФЙ худудидаги уй-жойларни кириш ва ички йўллар қурилиши | 2022-2023 йй | 0,1 | | | | | 17 947,0 | | 14 931,9 | 3 015,1 | | | | | №1/13 сонли 30.09.2021 йил | | Тендер савдолари оркали аникланади |
| 12 | Зангиота тумани Каттачинор МФЙ худудидаги кириш ва ички йўллар қурилиши | 2022-2023 йй | 0,4 | | | | | 30 175,3 | | 24 312,4 | 5 862,9 | | | | | №4/11 сонли 30.09.2021 йил | | Тендер савдолари оркали аникланади |
| 13 | Тошкент тумани Истикбол МФЙ худудидаги уй-жойларни кириш ва ички йўллар қурилиши | 2022-2023 йй | 0,6 | | | | | 44 607,6 | | 35 383,7 | 9 223,9 | | | | | №12/11 сонли 30.09.2021 йил | | Тендер савдолари оркали аникланади |
| 14 | Оккургон тумани Бирлик МФЙ худудидаги уй-жойларни кириш ва ички йўллар қурилиши | 2022-2023 йй | 0,0 | | | | | 7 634,8 | | 7 021,2 | 613,6 | | | | | №2/11 сонли 30.09.2021 йил | | Тендер савдолари оркали аникланади |
| 15 | Чиноз тумани Тиллатопган МФЙ худудидаги уй-жойларни кириш ва ички йўллар қурилиши | 2022-2023 йй | 0,5 | | | | | 35 145,4 | | 28 125,1 | 7 020,4 | | | | | №13/11 сонли 30.09.2021 йил | | Тендер савдолари оркали аникланади |
| 16 | Юкоричирчик тумани Миробод МФЙ худудидаги уй-жойларни кириш ва ички йўллар | 2022-2023 йй | 1,1 | | | | | 123 402,5 | | 95 828,6 | 27 573,9 | | | | | №3/13 сонли 30.09.2021 йил | | Тендер савдолари оркали аникланади |
| 17 | Зангиота тумани Буз сув МФЙ худудидаги уй-жойларни кириш ва ички йўллар қурилиши | 2022-2023 йй | 0,3 | | | | | 20 528,0 | | 16 911,8 | 3 616,2 | | | | | №15/11 сонли 30.09.2021 йил | | Тендер савдолари оркали аникланади |
| | Жами | | 8,923 | | | | | 717 144,2 | | 569 928,5 | 147 215,7 | | | | | | | |

"Киритилди"

"Кишлок қурилиш инвест" ИК МЧЖ Тошкент филиали директори

_________ Х.Хамракулов
_____ 2022 й.

"Келишилди"

Тошкент вилояти ҳокимлиги Молия бош бошқармаси бошлиғи

_________ О.Халикулов
"____" _________ 2022 й.

"Келишилди"

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

_________ 2022 й.

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 196967 на приобретение Строительно монтажные работы**

Способ проведения электронный

Дата 01.12.2022

Время рассмотрения 01.12.2022 10:31

Закупочная комиссия Кишлок курилиш инвест маъсулияти чекланган жамият инжиниринг компанияси Тошкент вилояти филиали, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XAMRAQULOV JAMSHID FAXRITDINOVICH | Директор | «Қишлоқ Қурилиш Инвест» МЧЖ ИК Тошкент вилояти филиали |
| **Секретарь комиссии** | KUCHKAROV LAZIZ MIRVASIKOVICH | мутахассис (йул сув) | «Қишлоқ Қурилиш Инвест» МЧЖ ИК Тошкент вилояти филиали |
| **Член комиссии** | IBRAGIMOV XURSHID RAXIMJANOVICH | булим бошлиги (ПТО) | «Қишлоқ Қурилиш Инвест» МЧЖ ИК Тошкент вилояти филиали |
| **Член комиссии** | ROZIKOV BEKZOD BOTIROVICH | етакчи мутахассис (бухгалтерия) | «Қишлоқ Қурилиш Инвест» МЧЖ ИК Тошкент вилояти филиали |
| **Член комиссии** | RAXMONOV AZIZBEK MUXAMMAD O'G'LI | етакчи мутахассис (ПТО) | «Қишлоқ Қурилиш Инвест» МЧЖ ИК Тошкент вилояти филиали |
| **Член комиссии** | ERGASHEVA SAYYORA TASHPULATOVNA | бош мухандис | «Қишлоқ Қурилиш Инвест» МЧЖ ИК Тошкент вилояти филиали |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 01.12.2022 года № лота 196967.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Строительно монтажные работы** |
|---|---|
| Подробное описание | Уртачирчик тумани Уйгур МФЙ худудидаги уй-жойларни ички ва кириш йуллар курилиши |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 265 355 800.00 |
| Стартовая сумма | 265 355 800.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Қурилиш майдонини кўрганлик ва қурилиш объектини ўрганганлик тўғрисида маълумотнома. 7-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш майдонини кўрганлиги ва ўрганиб чиқилганлиги (рамлар асосида акс холда хисобга олинмайди) Тавсиянома (вилоят (шаҳар) қурилиш бўйича хоким ўринбосари ва қурилиш бош бошқармалари билан келишилган ҳолда)

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **SHAXRUZBEK HALIMJON QURILISH M** | 10 | ХУЖЖАТ ИЛОВА КИЛИНДИ | 10 | Экспертная | | |
| **ООО SMART TECHNOLOGY BUILDING STROY** | 10 | Малумот илова килинди | 7 | Экспертная | | |

Критерий №2 Танлов савдоларида иштирок учун бажарилаётган ишни 15-20% микдорида айланма маблаг мавжудлиги тугрисида банк маълумоти ,айланма маблаг билан таъминланиши ва 3 йиллик аудит хулосаси , 3 йиллик молиявий натижа ва 3 йиллик балансдан нусха мавжуд булиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Шаклларнинг барча сахифалари топширилаётганда танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва мухрланган бўлиши хамда тасдиқловчи хужжатларни тақдим этиши шарт;(Предпочтительно)(Предпочтительно)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **SHAXRUZBEK HALIMJON QURILISH M** | 15 | ХУЖЖАТ ИЛОВА КИЛИНДИ | 15 | Экспертная | | |
| **ООО SMART TECHNOLOGY BUILDING STROY** | 15 | Малумот илова килинди | 11 | Экспертная | | |

Критерий №3 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 1-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 5 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги. (участка бошликлари ва мастерлар) Ишлаб-чикариш техника бўлимида 3 йил иш стажига эга дипломли 1 та мутахассисни мавжудлиги. Доимий равишда ишловчи 5 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги Ходимларнинг йиллик уртача сони 5-10 киши(ишчи ходимларга ҳисобланган иш ҳақи бўйича тақдим қилинган солиқ ҳисоботлари асосида охирги жами 12 ойда ҳисобланган иш ҳақи миқдори билан те

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **SHAXRUZBEK HALIMJON QURILISH M** | 12 | ХУЖЖАТ ИЛОВА КИЛИНДИ | 12 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО SMART TECHNOLOGY BUILDING STROY** | 12 | Малумот илова килинди | 9 | Экспертная | | |

Критерий №4 Объект бошлангич нархининг 50% миқдорида хисоб ракамда маблаглари мавжудлиги ҳақидаги тижорат банки томонидан тасдиқланган маълумотнома ёки маблағлар билан таъминлаш тўғрисидаги тижорат банк кафиллиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Шаклларнинг барча сахифалари танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва мухрланган бўлиши хамда тасдиқловчи хужжатлар билан биргаликда тақдим этиши шарт (ПДФ шаклда).(Предпочтительно)(Предпочтительно)

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **SHAXRUZBEK HALIMJON QURILISH M** | 15 | ХУЖЖАТ ИЛОВА КИЛИНДИ | 15 | Экспертная | | |
| **ООО SMART TECHNOLOGY BUILDING STROY** | 15 | Малумот илова килинди | 8 | Экспертная | | |

Критерий №5 Машина ва механизмлар рўйхати, 5-6 шакллар

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилишни бажариш учун зарур бўлган 1 та дан кам бўлмаган. Кўпи билан 20 йил олдин ишлаб чиқарилган шахсий (ёки лизинг шартномаси асосида) қурилиш машина ва механизмларини мавжудлиги (ижара шартнома асосидаги қурилиш техникаларининг баллари 30% камайтирилади) танлов иштирокчисининг жорий даврдаги бошқа(қурилиш шартномалари) объектлари Қурилишни бажариш учун зарур бўлган 5 бирликдан кам бўлмаган кичик механизация воситаларини мавжудлиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **SHAXRUZBEK HALIMJON QURILISH M** | 15 | ХУЖЖАТ ИЛОВА КИЛИНДИ | 15 | Экспертная | | |
| **ООО SMART TECHNOLOGY BUILDING STROY** | 15 | Малумот илова килинди | 11 | Экспертная | | |

Критерий №6 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи. 2 ва 3-шакллар

Тип: Текстовое значение

Описание: Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 100 млн. сўм ва ундан кўп Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги Ўтган йилда 20 млн.сўм фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги Иш ҳақи фонди 20 млн. Сўм Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэфициенти 1,25 ва ундан кўп Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэфициенти 0,2 ва ундан кўп

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **SHAXRUZBEK HALIMJON QURILISH M** | 18 | ХУЖЖАТ ИЛОВА КИЛИНДИ | 18 | Экспертная | | |
| **ООО SMART TECHNOLOGY BUILDING STROY** | 18 | Малумот илова килинди | 14 | Экспертная | | |

Критерий №7 Асосий воситалар тугрисида маълумотнома. Иштирокчилар шартнома тузиш учун конуний хукукга эгалиги солик ва бошка мажбурий туловлардан карздорлик мавжуд эмаслигитугрисида маълумотнома. Узига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб таоминларининг мавжуд эмаслиги инсовсиз ижрочилар ягона рейстрида кайд этилмаганлигитугрисида маълумотнома.

Тип: Текстовое значение

Описание: Шаклларнинг барча сахифалари танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва мухрланган бўлиши хамда тасдиқловчи хужжатлар билан биргаликда тақдим этиши шарт (ПДФ шаклда).(Предпочтительно)(Предпочтительно

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **SHAXRUZBEK HALIMJON QURILISH M** | 15 | ХУЖЖАТ ИЛОВА КИЛИНДИ | 14 | Экспертная | | |
| **ООО SMART TECHNOLOGY BUILDING STROY** | 15 | Малумот илова килинди | 11 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **SHAXRUZBEK HALIMJON QURILISH M** | 265 355 800.00 | 263 000 000.00 UZS | 263 000 000.00 | 00.00 | 263 000 000.00 | 01.12.2022 03:13:47 | 20 |
| **ООО SMART TECHNOLOGY BUILDING STROY** | 265 355 800.00 | 265 355 000.00 UZS | 265 355 000.00 | 00.00 | 265 355 000.00 | 01.12.2022 09:26:49 | 19.8225 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **SHAXRUZBEK HALIMJON QURILISH M** | 79.2 | 20 | 99.2 |
| **ООО SMART TECHNOLOGY BUILDING STROY** | 56.8 | 19.8225 | 76.6225 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 196967 от 01.12.2022 года на приобретение Строительно монтажные работы определила победителем:

SHAXRUZBEK HALIMJON QURILISH M
301796504

и резервный исполнитель: ООО SMART TECHNOLOGY BUILDING STROY (307893980)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XAMRAQULOV JAMSHID FAXRITDINOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | IBRAGIMOV XURSHID RAXIMJANOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ROZIKOV BEKZOD BOTIROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ERGASHEVA SAYYORA TASHPULATOVNA | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

**196967 лот юзасидан шаклланган дастлабки баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилди.

| | |
|---|---|
| Муҳокама тугаган сана: | 07.12.2022 10:44 |
| Комиссия раиси: | XAMRAQULOV JAMSHID FAXRITDINOVICH |